

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

JIZZAX DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROTNOMASI

№ 2-2013

ilmiy – uslubiy jurnal

Yilda 4 marta chop etiladi

ВЕСТНИК ДЖИЗАКСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
ПЕДАГОГИЧЕСКОГО
ИНСТИТУТА

интилаётган Ўзбекистон учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Ўзбекистоннинг геосиёсий ўрни, бой табиий ресурслари ва бошқа иқтисодий ҳамда ижтимоий, интеллектуал салоҳияти унинг манфаатдор кучлар томонидан ахборот урушининг обьекти сифатида қаралишига бефарқ қараб бўлмайди.

“Аслида, ҳаётнинг ўзи турли-туман гоялар курашидан, баҳсу-мунозаралардан иборат. Тараккиётнинг маъно-мазмуни, керак бўлса, фалсафаси ҳам шунда. Аммо, ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида вахимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр, огоҳ ва сергак бўлишидир”, -деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Хулоса шуки, бугунги таҳликали ва мураккаб замонда ғоялар кураши ахборот киёфасида тақдим этилиши, айни пайтда, уларни қай даражада қабул қилиш ёки килмаслик халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғоявий қатъиятлилик ва сергаклигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ахборот урушида кимнинг аслида ким эканлигини билмасликмаглуб бўлиш демакдир. Шу маънода ҳар қандай ахборот таҳдидларига доимо зийраклик билан муносабатда бўлиш зарур. Бу эса ҳар қандай ғоявий таҳдидларга гоя билан курашишни такозо этади. Миллый мафкурамиз тарғиботини янада такомиллаштириб, миллатимизни, унинг таянчи бўлган ёшларимизни тўғри ахборот билан тез ва ўз вактида таъминлаш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ана шундай долзарб вазифа ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Каримов И.А. Юксак маънавият – спигилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 йил

[2]. Умаров Б.З. Глобаллашун зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2008 йил.

[3]. Sholte J. Rethink Globalization. London, 2000

[4]. Глобализация: сущность, проблемы, перспективы. (Материалы «круглого стола»)./ Под общ. Ред.д.и.н., профессора В.А. Михайлова и д.ф.н., профессора В.С. Буянова. М.: Книга и бизнес. - РАГС. 2003г.

Жиззах давлат педагогика институти

Қабул санаси

02.07.2013

Ж.Норбеков. К вопросу глобализации и информационной угрозы, а также обеспечения информационной безопасности.

В данном исследовании анализируются вопросы, связанные информационной угрозой и безопасности в условиях глобализации. Так как в современном мире идёт борьба за овладение сознанием людей, становится всё более актуальной и многогранной. В статье рассматривается место нашей страны в этом сложном процессе и рекомендуются методы и способы обеспечения информационной стабильности, а также укрепления независимости Республики Узбекистан в условиях информационной войны.

J.Narbekov. On the question of globalization formation pollution and information security.

This article considers the issues of information security and in terms of globalization. Because in today's world there is a struggle for the possession of people's minds, it becomes more and more important and multifaceted. The article examines the place of our country in this complex process and recommended methods and ways to ensure the stability of the information, and strengthening the independence of the Republic of Uzbekistan in the information war.

УДК :372.143.03

ТУРИЗМ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

М.Р.Усманов

Туризм – ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, жойлаштириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, шунингдек, дам олиш, согломлаштиришда мухим аҳамиятга эга. Мазкур фаннинг кўпгина кирралари билан республикамизда мутахассислар шуғулланган. Аммо мамлакатимизда ушбу йўналишнинг назарий ва амалий асослари маҳсус йўналиш сифатида СамДУ география бўлими олимлари А.Абдулкосимов, А.Рахматуллаев, С.Аббосов, Н.Маматқуловлар илмий ишларида

кўриш мумкин. Айниқса, бу соҳа бўйича республикада биринчи бўлиб М.Усмонов томонидан кенг кўламли ўрганилган ва унинг назарий асослари, обьекти, предмети, илмий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Қадимдан кишилар дунёни ўрганиш ва билиш ҳамда бетакрор бўлган худудларни кўришга қизиқиб, сафар ва саёҳатларга турли мақсадларда чикишган. Улар ўзлари учун номаълум худудлар, шаҳар ва қишлоклар, тогликлар, текисликлар, дарё ва денгизларнинг гўзал манзараларидан завқ олишган. Ушбу масалалар билан иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим бир қисми туризм географияси шугулланади. Бинобарин, географиянинг ўзи ҳам худудийлик билан боғлик бўлиб, барча буюк географик кашфиётлар, саёҳатлар асосида амалга оширилган. Шундай экан, туризм география билан чамбарчас боғлик.

Анъанавий иқтисодий географиянинг ижтимоийлашиб бориши жараёнида қатор ноишлаб чиқариш соҳалари географияси вужудга келмоқда. Шулардан бири туризм географияси бўлиб, у рекреация географиясининг асосида ёки баъзи олимлар фикрича, унинг бир қисми сифатида ривожланиб келаётган янги йўналишидир (Солиев А, 2003 й). Туризм географияси ўз моҳият ва мазмунига кўра ижтимоий географияни ўрганиш обьекти хисобланади. Чунки, унинг вужудга келиши энг аввало, кишиларнинг бўш вактидан самарали фойдаланиши, хордик чиқариши ва маънавий озуқа олиши билан боғлик. Айни вактда туризм географиясининг иқтисодий жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Сабаби туристик фаолият натижасида мамлакатлар миллий иқтисодиётида катта даромад олинмоқда.

Бинобарин, туризм географиясини иқтисодий ва ижтимоий география фанининг муҳим бир қисми даражасида кўриш мақсадга мувофиқдир. Туризмни иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатида қараганда унинг тўртта асосий худудий бўғинлари ёки босқичларини ажратиш мумкин: ҳалқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий туризм. Бу ерда биз учун энг аҳамиятлиси минтақавий туризм хисобланади. Зеро, айнан шу даражада туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ташкилий ва ҳукуқий асослар мавжуд.

Туризм географияси фанида туристик раёнлаштиришнинг илмий-услубий масалалари тўлалигича ҳал этилмаган. Ушбу муаммонинг ўз ечимини топмагани мазкур фаннинг шаклланиш босқичида эканлигидан далолат беради. Айниқса, туристик раёнлаштириш омиллари, раёнлар классификацияси ва типологияси, уларнинг худудий туристик мажмуя ёки тизимлар билан муносабати каби назарий масалалари келажакда бу борада изланишлар олиб боришини таққоза этади.

Ўзбекистон Республикасида миллий туризмни юксалтириш учун минтақаларда туристик имкониятлардан самарали фойдаланиши лозим. Жиззах вилоятида туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун имкониятлар катта. Шу ўринда, Жиззах шаҳрининг туристик салоҳияти жиҳатидан дунёда ўзига хос мавқега эга эканлиги ҳаммага аён. Айни вактда вилоят туманларидаги мавжуд туристик обьектларнинг ҳам катта сайёхлик салоҳиятига эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

Айни вактда кишлоқ туманларида, тог ва чўл худудларида рекреация, спорт, ов, диний туризм, экотуризмни ривожлантириш учун тегишли шарт- шароитлар яратиш лозим. Минтақада истикболли маршрутларни ишлаб чиқиш, мавжуд туристик обьектларни илмий жиҳатдан баҳолаш, уларни муҳофаза қилиш, вилоятда туризмнинг турли йўналишларини ташкил этиш катта амалий аҳамиятга эга.

Модомики, макроиқтисодиётнинг ҳар кандай соҳасини ривожлантириш замирида фукароларнинг, аввало, моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш ётар экан, Ўзбекистон миллий туризмини ривожлантириш ва келажакда ушбу тармоғни ривожлантириш учун минтақалар туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиши муҳимдир. Олиб борилган изланишларнинг умумий жиҳатлари, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда куйидаги таклиф ва мулоҳазаларни кўрсатиш мумкин:

- Туризмни иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ривожлантириш учун ушбу соҳага кенг йўл очиш ҳамда уни илмий жиҳатдан чукуррок ва батафсил ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда республикада янги шаклланиб келаётган туризм географиясига кенг эътибор қаратиш лозим.

- Минтақаларда туризм индустряси ва инфратузилмасини шакллантириш, улар билан боғлик масалаларга эътибор қаратиш лозим. Бу борада Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Бухоро,

Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона водийси ҳамда бошқа вилоятларда мазкур соҳага жиддий ёндашиш талаб этилади.

- Минтака сайёхлик инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, туманларда маданий ва майший, комм-
- унтикация ва бошқа хизмат турларини кенгайтириш, туристик обьектларга борувчи йўлларни таъмирлаш ва ободончилик ишларини олиб бориш ҳамда кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш керак.

- Вилоятда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, фирма ва корхоналарнинг истиқбол режасини тузишда кўп максадли сайёхлик йўналишларини ташкил этиш лозим. Бунинг учун вилоятнинг барча туманларида кулагай туристик маконни шакллантириш ва мавжуд туристик обьектлардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Каримов И. “Ўзбекистон XXI асрга иштилоқда”. - Т.: Ўзбекистон, 1999 й.

[2]. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. – Москва: Мысль, 1980 г.

[3]. Солисев А., Каршибоева Л. Иктиносий географиянинг назарий ва амалий масалалари. – Тошкент, 1999 й. – 180 б.

[4]. Солисев А., Усмонов М. Туризм географияси. Монография. – Самарканд, 2005 й.

[5]. Интернет маълумотлари.

Жиззах лавлат педагогика институти

Қабул санаси

02.07.2013

Усманов М. Туризм как объект исследования экономической и социальной географии

В данной статье рассмотрены вопросы туризма как объекта изучения экономической и социальной географии.

Usmanov M. Tourism as an object of studying economic and social geography

This article is about tourism, which is investigated as a research object of social economical geography.

УДК : 375.517.7

ПОСТМОДЕРНИЗМ РОМАНИ (УМБЕРТО ЭКО) ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

М.Холбеков

Умберто Эко (Umberto Eco) – медиевист олим, адаб ва файласуф. У 1932 йил Италиянинг Пъемоит вилоятига карашли Александрия шаҳрида таваллуд топган. Ҳозирда Милан шаҳрида яшайди. Турин санъат университетини тамомлаган, дастлаб телевиденияда, сўнгра “Эспрессо” (L’Espresso) газетасида шарҳловчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик санъатшунослик илми билан машғул бўлиб Турин, Милан, Флоренция, Болонья университетларида архитектура назарияси ва эстетикиаси фанидан дарс берган, ҳозир ҳам шу фандан маъruzalар ўқийди. Умберто Эко дастлаб медиевист олим сифатида ўзининг ўрта асрлар тарихи, санъати ва семиотика (юнон: *semeion*-белги, алломат) илмига бағишлиланган тадқиқотлари билан танилган эди. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари АҚШнинг Гарвард университетида семиотика фанидан маъruzalар ўқийди. 80-йилларда олимни Европадаги Оксфорд, Кембридж, Сорбонна, Саламанка каби номдор университетлар маъруза ўқишига таклиф этади.

Умберто Экога жаҳоний шуҳрат келтирган биринчи асари – “Атиргул номи” (Il Nome della Rosa) романни бўлди. Ушбу асар франциялик кинорежиссер Жан-Жак Анно томонидан муваффақиятли экранлаштирилгач янада машҳур бўлиб кетди. “Атиргул номи” – ғалати қўринишдаги нозиктаъб услубда битилган фалсафий рамзларга бой ҳикоя ва тавсифлар, адабий ва маданий тасаввурларнинг пинҳоний қўринишлари, дедектив ва тарихий роман жанрларининг коришиб кетувидан юзага келган бестеллер роман бўлиб, тез орада сершовқин

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР

Абдуллаев У.Р. Ярим фазода қаттיק фундаментли плитага тортилған эластик пластиинканинг тебраниши.....	3
Бекмурадов Қ.А., Мамарауфов О.А., Бекмурадов Д.Қ. Автомагистралда видеоназоратнинг интеллектуал тизимида видеотахлил алгоритмлари.....	6
Мавлонова С., Маҳаммадиев Ҷ., Аберқулов Э. Ширин жӯхори (<i>sorghum saccharatum</i>) нинг биокимёвий ва фармакологик хусусиятлари.....	11
Султанов М.М., Абдурахманов Э., Тиллаев С.У. Кислородни термокатализитик усулда аниклаш.....	13
Шамсиев А.Ш., Зойиров К.А. Компьютер технологияси олий мактабда бўлажак мутахассисларнинг график тайёргарлигини жадаллаштириш омили.....	17
Qarshiboyeva N.H., Haydarov B. Shotara (<i>Fumaria 1.</i>) turkumi tarkibida uchraydigan kimyoviy moddalar.....	21
Қаршиев Э.Б., Исҳакова Қ.М., Жўлбоев Т.А. ПАК, ПАК-1, К-4 полиэлектролитлар билан силикагелни сорбцион тузилишини ўрганиш	24
Қодиров Ғ., Ҳайдарова Г.. Айдаркўл соҳилидаги ўсимликлар деградатциясининг кучайиши ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари.....	28
Husanova F.A., Alishev Sh.A. Hosila oldida parametr qatnashgan differensial tenglamalar sistemasining asimptotik yechimi.....	30

ИЖТИМОЙ – ГУМАНИТАР ФАНЛАР

Жўрасев Ж. Муъакқад санъати	33
Жўраев Ж. Ҳофиз Хоразмийнинг Иброҳим Султонга бағишланган марсияси ҳақида.....	35
Жўраев О., Жўраев К. “Тинди анинг даврида рўйи замин...”	40
Касимова Ф.С. Тилнинг шахс шаклланишидаги ўрни	44
Маматов АЭ., Болтаева Б.И. Ўзбек тилида фраземик неологизмлар.....	46
Норбеков Ж. Глобаллашув ва ахборот таҳди迪 ҳамда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш масалаласига доир.....	49
Усманов М.Р. Туризм – иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот обьекти сифатида.....	52
Холбеков М.. Постмодернизм романи (Умберто Эко ижодига чизгилар).....	54
Ғозисев С. Шайбонийлар даврида сиёсий вазият ва давлат бошқаруви.....	60
Ҳакимов Қ.М. Антропонимларнинг худудий хусусиятлари ҳақида.....	66
Ҳамракулов Т.Н. Конституциявий назорат тизими ва баъзи давлатларда уларнинг хусусиятлари. (Австрия ва Германия федератив Республикалари мисолида).....	68

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

Абдурасулов Р., Султонов Б., Муродуллаев С. Талаба спортчи шахсининг психик жараёнини ўрганиш методлари.....	74
Кавылова Т.С., Дарвишова Г.Қ. Чет тили ўқитувчисининг дарс жараёнидаги педагогик маҳорати ҳақида.....	76
Ким О.А. Ҳамкорлик технологияси бўйича кичик гурухларда таълим беришнинг хусусиятлари.....	79
Маматкулов Ф. Ёшларни аҳлоқий, маънавий руҳда тарбиялашда оиланинг ўрни.....	81
Муқимов М.О. Қасбий таълим фанларини ўқитишда ахборотли таълим муҳитидан фойдаланиш.....	83
Пардаева З.Д., Ҳоджиметова Д.Д. Иқтидорли ўқувчилар интеллектуал таълимини ташкил этиш муаммолари.....	87